

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР

---

## ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ

---

## INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513>

**Педагогика ва психологияда инновациялар/Иновации в педагогике и психологии/**

**Innovations in pedagogy and psychology**

№5 (2019) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-5>

**Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:**

**Аскарлов Абров Давлатмирзаевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Педагогика йўналиши

**Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:**

**Мухамедова Дилбар Гафурджановна**  
психология фанлари бўйича фалсафа доктори

Психология йўналиши

**Педагогика ва психологияда инновациялар журнал таҳририй маслаҳат кенгаши  
Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology  
Международный редакционный совет журнала Иновации в педагогике и психологии**

**Урзова Марина Батировна**  
Педагогика фанлари доктори

**Муслимов Нарзулла Алиханович**  
Педагогика фанлари доктори, профессор

**Джорасев Мухамматрасул**  
Педагогика фанлари доктори, профессор

**Нурманов Абдиназар Ташбаевич**  
Педагогика фанлари доктори

**Халиков Аъзам Абдусаломович**  
Педагогика фанлари доктори

**Аюпова Мукаррам**  
Педагогика фанлари номзоди, профессор

**Ҳамидов Жалил Абдурасулович**  
Педагогика фанлари доктори

**Тўракулов Олим Холбўтаевич**  
Педагогика фанлари доктори

**Шорена Дзамукашвили**  
Педагогика фанлари доктори

**Шорена Вахтангишвили**  
Педагогика фанлари доктори

**Саипова Малоҳат Латиповна**  
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори

**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналлов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>1. Bagbekova L. K., Tojiboev J. Z., Mirsolihova M. M.</b> THE IMPORTANCE OF INDEPENDENT EDUCATION IN EDUCATION SYSTEM.....	4
<b>2. Чулнонова Х. Т.</b> МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ПСИХОЛОГИК МОСЛАШУВНИНГ АСОСИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	7
<b>3. Атабаев Ш. Э.</b> УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚИШ ДАРСЛАРИДА САВОЛ-ТОПШИРИҚЛАР УСТИДА ИШЛАШНИНГ ТАДҚИҚОТ ҚИЛИНИШИ АҲАМИЯТИ.....	13
<b>4. Ботирова Х. Т.</b> В ОБУЧЕНИИ ПРЕДМЕТА ТЕОРИИ МУЗЫКИ РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ.....	20
<b>5. Зарипова Г.К., Авезов М.Ф., Рўзиева К.И.</b> КАСБИЙ ТАЪЛИМ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ-ЎҚИТУВЧИНИНГ АСОСИЙ МУТАХАССИСЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ.....	25
<b>6. Каримова М.</b> ШАРҚ ВА ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИДА БОЛА ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА.....	36
<b>7. Макаева З. Д., Искандаров А. Ю.</b> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КЕЙС-ТЕХНОЛОГИИ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ТЕМЫ "ОКИСЛИТЕЛЬНО-ВОССТАНОВИТЕЛЬНЫЕ РЕАКЦИИ" НА УРОКАХ ХИМИИ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ШКОЛЕ.....	41
<b>8. Пазилова Ш.А.</b> "ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА АСОСЛАРИ" ДАН МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ.....	46
<b>9. Раҳимов У. Э., Махаммаджонов Н. Д.</b> КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ.....	50
<b>10. Исроилова Р.</b> ЛОЙИҲАВИЙ ТАЪЛИМДА КОММУНИКАТИВ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КАСБИЙ ҚИЗИҚИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ.....	54
<b>11. Шамуратова Э.</b> ОИЛАДА ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ТАРБИЯ СТРАТЕГИЯСИ.....	60
<b>12. Шарипова Ф. К.</b> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДА WEB-QUEST В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ ПРЕДМЕТА "ПСИХИАТРИЯ".....	66

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

**Г.К.Зарипова**

БухДУ доценти, п.ф.н.

**М.Ф.Авезов**

ТИҚХММИ Бухоро филиали т.ф.н

**К.И.Рўзиева**

ТИҚХММИ Бухоро филиали ижтимоий  
гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

## КАСБИЙ ТАЪЛИМ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ-ЎҚИТУВЧИНИНГ АСОСИЙ МУТАХАССИСЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2019-5-5>

### АННОТАЦИЯ

мазкур мақолада дарс жараёнини сифатини оширишда касбий таълимнинг илмий-тадқиқот методларини ўрганиш ва олий таълим муассасаларида дарс тизимида қўллаш юқори малакали, билимдон кадрлар тайёрлаш усул ва йўллари, босқичлари аниқ белгилаб берилишнинг методлари ёритилган бўлиб, улар халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари, замонавий маданият, фан, техника ва технологиялар асосида юксак мутахассислар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилганлиги ва уни жадал суръатлар билан ҳаётга тадбиқ этилмоқ юртимиз таълим соҳасида ижобий натижаларга эришиши баён этилган.

**Калит сўзлар:** педагогик жараён, малака, педагогик изланишлар, илмий тадқиқот, кадрлар тайёрлаш жараёни, касбий малакавий ўзгаришлар, касб таълими ўқитувчиси, соҳавий тайёргарлик, таълим-тарбия мазмун-моҳияти, ривожланиш даражаси, таълим жараёни, таълим олувчилар, муносабат, инсоннинг ривожланиши, педагогик фаолият.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются методы исследования профессионального образования и использования системы высшего образования в системе высшего образования с целью повышения качества учебного процесса. Утверждается, что они разработали систему подготовки высококвалифицированных специалистов на основе богатого интеллектуального наследия и общечеловеческих ценностей нашего народа, современной культуры, науки, технологий и образования.

**Ключевые слова:** педагогический процесс, квалификация, педагогические

исследования, научные исследования, подготовка кадров, профессиональные квалификации, профессиональная подготовка, отраслевая подготовка, образовательный контент, уровень развития, учебный процесс, обучаемые, отношения, развитие человека, педагогическая деятельность.

#### ANNOTATION

This article discusses research methods of vocational education and the use of higher education in higher education in order to improve the quality of the educational process. It is alleged that they have developed a system of training highly qualified specialists based on the rich intellectual heritage and universal values of our people, modern culture, science, technology and education.

**Key words:** pedagogical process, qualification, pedagogical research, scientific research, training, professional qualifications, vocational training, industry training, educational content, level of development, educational process, trainees, relationships, human development, pedagogical activity.

---

*Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.*

**Ш.М. Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикасида Мустақилликдан кейин жамиятимиз ҳаётида таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. "Таълим тўғрисида" ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" нинг қабул қилиниши республика таълим тизимида муҳим воқеа ҳисобланади. Бу ҳужжатларда Республика таълим муассасаларида юқори малакали, билимдон кадрлар тайёрлаш усул ва йўллари, босқичлари аниқ белгилаб берилган ва улар таълим соҳасида амалга ошириладиган ислохотлар дастури ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг таркибида юқори малакали мутахассисларнинг роли жуда каттадир. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, "Ертанги кун янгича фикрлай оладиган замонавий билимга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади". Шу сабабли халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари, замонавий маданият, фан, техника ва технологиялар асосида юксак мутахассислар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди ва жадал суръатлар билан ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни яқин ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиққа, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

XXI асрнинг ахборотлашган жамият асри, интеллектуал ёшлар асри, ахборот технологиялари асри деб аталгани сабабли, шу давр мобайнида ахборотлар билан ишлаш ва ахборотлаштириш жуда ривожланди. Бунга сабаб шундаки, кундалик турмушда, ахборотлар, уларни қайта ишлаш ва узатишнинг аҳамияти тобора ортиб боришидадир. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг ҳар бир аъзосидан ахборотлаштириш ва ахборот технологиялари сирларини, унинг қоида ва қонуниятларини мукаммал билишни тақозо этади. Фан ва технологияларнинг ривожланиши, тараққий этиши ва ўзаро интеграциялашуви жадаллашмоқда, шу билан бирга янги инновацион технологиялар яратиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида қўлланиши ҳар бир ёшни ўз мутахассислигини мукаммал эгаллашини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида" ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда , кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш ва олий таълим тизимига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув - методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, энг янги хорижий адабиётларни сотиб олиш ва таржима қилиш. Ахборот коммуникация технологияларини янада юқори даражага олиб чиқариш кўзда тутилган. 2017 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадига йўналтирилган. Қарорга кўра, олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг муҳим вазифалари белгилаб берилди. Қарорда белгиланган вазифаларнинг самарали ечимини тўлиқ таъминлаш мақсадида олий таълим даражасини сифат жиҳатдан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш мақсадида Олий таълим тизимини 2017-2021 йилларга мўлжалланган комплекс ривожлантириш дастури тасдиқланди. Қарорнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимиз Президенти томонидан ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича конкрет параметр ва кўрсаткичларни ўз ичига олган манзилли ривожлантириш дастурлари тасдиқланди. Мазкур дастурда асосан мамлакатимизнинг ҳар бир олий таълим муассасаси билан, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Нидерландия, Россия, Япония, Жанубий Кория, Хитой ва шу каби бошқа давлатларнинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилгани ўта муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз ривожланишини жадаллаштириш инсон омили, маънавий-маданий қадриятлар ҳамда ёшлар таълим-тарбияси, уларга касб-хунар ўргатишни жаҳон стандартлари асосида ташкил этишни илмий-назарий асосини юртбошимиз ўз асарларида очиб берди. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев ёшлар таълим-

тарбиясини мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни келажagini белгилайдиган тақдирламон муаммо эканлигини кўп марта таъкидлади. Ёшлар таълим-тарбиясини ва уларга касб-хунар ўргатишни замон талаблари даражасида амалга оширишда энг аввало педагоглар ва муҳандис-педагогларнинг умуммаънавий ва касбий маҳорати ҳал қилувчидир. Шунинг учун Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 - 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича "Ҳаракатлар стратегияси"нинг тўртинчи йўналиши: "Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари"нинг тўртинчи: "Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш" бандида: "узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория асбоблари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш" чора тадбирлари кўрилди. Ҳозирда "Ҳаракатлар стратегияси"нинг "Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш" банди бўйича жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Бу ислохотни амалга оширишда узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар, чунончи ислохот меваси сифатида пайдо бўлган олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ишлаётган педагог ва муҳандис-педагоглар муҳим рол ўйнашларини Президент Ш.М.Мирзиёев алоҳида таъкидлади.

Буюк аллома Абдула Авлоний таъкидлаганидек: "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир"[4]. Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётини саодатга, бахтга, соф инсоний фаолиятга, ўзи танлаган касбга эга бўлишида таълим-тарбиянинг роли ниҳоятда муҳим. Бундан кўриниб турибдики, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ишлаётган педагог ва муҳандис-педагогларнинг малакасини ошириш давлат аҳамиятига молик масаладир. Ўз навбатида бунини, яъни педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш кўп тармоқли давлат ва нодавлат, ижтимоий ва шахсий ҳамда педагогларнинг ўз иш жойлари-таълим муассасасида амалга ошириш мумкин. Тажриба кўрсатадики, педагоглар малака ошириш тизимида таълим муассасасидаги ўқув жараёнининг имкониятлари каттадир. Бу энг аввало узоқ йиллар давомида шаклланган методик ишларда ўз ифодасини топади. Таълим муассасасидаги методик ишлар тизимида: методик-ишлаб чиқариш кенгашлари, семинарлар, практикумлар, очиқ-намунали дарслар, қийин мавзуларни ўқитишни олдин методикасини ишлаб чиқиш, педагогларга якка ва жамоавий маслаҳатлар бериш, методик суҳбатлар, фан методбирлашмаларининг машғулоти, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш, ёш мутахассис педагоглар билан ишлаш, мураббийлик, илмий-амалий конференциялар, ишлаб чиқиш илғорлари, тажрибали педагоглар, олимлар билан учрашувлар ва ҳ.к. буларнинг ҳар қайсиси педагогик маҳоратни оширишда ўз имкониятларига, ўз устун ва чекланган томонларига эга. Булар ичида таъсирчанлиги, тезкорлиги ва бевосита педагоглар маҳоратини оширишда фойдалилиги билан ажралиб турадигани-дарсларга кириш ва уларни таҳлил қилишдир. Чунки бевосита дарсда таълим-тарбия, билим, эркин фикрлаш ва касб-хунар ўргатиш масаласи ҳал қилинади. Ўқув машғулотини ўтказишда педагог маҳоратининг энг нозик томонлари намоён бўлади. Дарс таҳлилида педагог маҳорат

қирралари ойнада ўз аксини кўргандек намоён бўлади. Ўзаро дарсларга кириш ва таҳлил қилишда педагоглар ойнада ўзларини кўриб солиштириш, таққослаш асосида ўз фаолиятларидаги кучли ва кучсиз томонларини аниқлаб, уларни биргаликда бартараф қилиш йўллари белгилайдилар. Шундан келиб чиқиб, биз ушбу мақолада қуйидаги масалаларга тўхталамиз: ички назорат тизимида дарс таҳлилининг аҳамияти ва ўрни; дарс таҳлили турлари; маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни таҳлил қилиш намунаси; дарс таҳлилинини қайд қилиш ва уни расмийлаштириш.

Дарс таълимнинг энг муҳим шаклидир. Дарсда таълим-тарбия масалаларининг асосий қисми ҳал қилинади. Чунки дарс таълим муассасасида профессор-ўқитувчи ва талабалар меҳнатининг энг кўп ёки асосий қисми ҳисобланади. Унда педагог талабаларга изчил чуқур билим бериш учун жуда кўп меҳнат қилади, усул ва воситалар ишлатилади. Дарсда талабаларнинг мустақил фикрлаш, зеҳнини ўткир қилиш, янги далиллар билан бойитиш, фикр уйғотиш учун турли машқлар қилинади.

Олий таълим муассасасида дарсни кузатишдан асосий мақсад: умумтаълимий, тарбиявий ва амалий, маънавий-маърифий бўлиб, улар яхлитликда амалга оширилади. Бунда биринчиси билимдонлик, яъни фан асосларини эгаллаш, яъни фактларни ўзлаштириш, иккинчиси ахлоқ, одоб ўргатиш, учинчиси олган, ўзлаштирган билимларни амалиётга қўллаш.

Шунинг учун ҳам ҳар бир дарс мутахассис-педагогдан жуда катта маҳоратни талаб қилади. Ўзича ҳар бир дарс такрорланмас педагогик асар бўлиб, унда дарслар худди одамлар мутлақо бир-бирига ўхшамагани каби бир-бирига сира ҳам ўхшамайди. Айнан бир мавзудаги дарс турли аудиторияларда турлича ўтади. Профессор-ўқитувчи турли натижаларга эришади. Шунинг учун унинг муҳимлиги таълим ислоҳотида ҳар бир профессор-ўқитувчи ва раҳбардан дарс самарадорлиги учун курашишни муҳим вазифа қилиб қўйди.

Таълим муассаси ички назорат тизимида дарснинг ўрни энг аввало раҳбар учун таълим-тарбия ҳолати, сифат даражасини аниқлаш воситаси эканлигидир. Унда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш орқали ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштиришнинг чора тadbирлари белгиланади. Бундан ташқари дарс кузатиш орқали ҳар бир профессор-ўқитувчининг илмий методик ғоявий сиёсий савияси, педагогик одоби талабаларга муносабати аниқланади. Дарс таҳлили талабаларнинг фан асосларини ўзлаштириш даражалари, унда таълим-тарбия бирлигини оширганлик даражаси, қўлланилган усул, воситаларнинг мазмун ва шаклига мос келиши каби жуда кўп педагогик-психологик масалалар аниқланади. Бунда энг муҳими таълим ислоҳотини ҳамда миллий мустақиллик талаблари асосида профессор-ўқитувчини ва талабаларнинг дарсда ўзаро муносабатларининг ўзгарганлик даражасига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки Ўзбекистоннинг Президенти Ш.М.Мирзиёев "Ҳаракатлар стратегияси" дастури тўртинчи йўналишида мустақиллик шароитида эркин, озод, мустақил кишини рақобатбардош, юқори савияли, билимли қилиб тарбиялашда профессор-ўқитувчи ва талаба муносабатлари жуда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Профессор-ўқитувчи ва талаба муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Профессор-ўқитувчининг бош вазифаси талабалардан мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда



ҳар доим ҳам унга риоя қилмаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир[7], - деб таъкидлаган эди биринчи Президентимиз И.Каримов. Бу фикрлар дарснинг мақсадини, ҳамда педагогик таҳлилнинг йўналишини, назорат асосини ташкил этади. Дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш юқорида баён қилинган талабга жавоб бериши учун аниқ мақсадга қаратилган, ягона умум режаси асосида ташкил қилиниши шарт. Чунки алоҳида таъкидлаш керакки, раҳбар профессор-ўқитувчининг ҳар бир дарсини кузатганда ўз олдига аниқ мавзу ва мақсад қўйиши керак. Дарсни илмий-педагогик жиҳатдан тўғри таҳлил қила бера олсагина яхши натижаларга эришиш мумкин. Дарс таҳлилинини писанд қилмаслик, унга иккинчи даражали деб қараш таълимни бошқаришда салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун раҳбар дарс кузатиш ва таҳлил қилишни тўғри ташкил қилиши унинг учун муҳим бошқариш воситаси бўла олади.

Норматив ҳужжатларга асосан ҳар бир ўқув юрти директори ҳафтада 12 соат дарс кузатиши керак. Профессонал-ўқитувчилар эса, кунига 2 соат бошқалар дарсига киришлари ва таҳлил этишлари лозим. Таълим муассасаси раҳбарлари дарсни кузатиш ва таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор беришлари керак: Масалан, ҳар бир фандан дарс кузатганда бир хил мақсад эмас, турли мақсадлар қўйишлари, бунда фан ва профессор-ўқитувчи имкониятларини инобатга олишлари лозим. Ҳозирги дарс таҳлили тор методик аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, илмий тадқиқот мавзуси, таълим-тарбиянинг мураккаб назорат ва амалий масалаларини ечиш ҳамда ўқув юртини бошқаришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

Дарс таҳлили мақсадига кўра бўлиши мумкин: олий таълим раҳбарларининг ўқитувчи фаолиятини бошқариш мақсадида дарс таҳлили; профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва улар иш тажрибасидаги илғор усулларини ўрганиш; профессор-ўқитувчиларнинг бир-бирларини дарсларига кириб усул ва методларини ўрганиш; талабаларнинг билим савияси, тарбияланганлик даражасини аниқлаш; педагогларнинг касбий маҳоратларини такомиллаштириш ўз фаолиятларига танқидий қарашлари, ўз дарсларини ўзлари (авто) таҳлил қилишлари; илмий тадқиқот мақсадида дарс таҳлили.

Буларнинг ҳаммаси таълим-тарбия жараёнининг тўғри йўналишини назорат воситаси эмас, балки таълим ислоҳотларининг талабларини бажарилишини ҳам аниқлаш воситаси бўлиши мумкин. Ҳар қандай фан ўз манба, назорат пойдеворига эга бўлганидек, дарс таҳлили ҳам ўз манбасига эга. Чунки дарс таҳлили таълим-тарбия сифатини яхшилаш учунгина хизмат қила қолмай, ички назорат ва таҳлил қилувчи учун ахборот ва материал сифатида ҳам муҳимдир.

Дарснинг ўзи педагогиканинг илмий-назарий хулосалари, илғор педагогик тажрибаларини умумлаштириш асосида вужудга келган. Бунда дидактик қонун, қоидалар, принциплар, методлар, унинг назорат асоси ҳисобланади.

Қуйидагилар дарс таҳлили учун манба бўла олади: президент асарлари; ҳукуматнинг таълимга (халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълимга) доир Қонун ва Қарорлари; дарс жадвали; методик қўлланмалар; меъёрий ҳужжатлар.

Умумий назорат асос сифатида илғор педагогик технологияларнинг дарс

жараёнида ўтилатган мутахассис фанларнинг Қонун ва Қоидалари, таълим мазмуни, мақсади, ўқитиш методлари, таълим шакллари, талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш шакл ва методлари ҳамда таълим жараёнида профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятлари. Буларнинг турли томонлари ҳар бир дарсда турлича намоён бўлиши педагогик таҳлил манбаи ва назорат асоси сифатида хизмат қилади. Улардан ўринли фойдаланиш таҳлил қилувчининг педагогик маҳорати ва умумий маданиятига боғлиқдир. Дарс таҳлили қуйидаги одоб қоидаларига риоя қилишни талаб қилади: дарснинг таълим ва тарбия томонини яхлитликда таҳлил қилиш; дарс таҳлилида умумий қабул қилинган қонун-қоидаларга риоя қилинади; бажарилиши зарур бўлган ишлар билан бажарилган ишлар таққосланади; шарт-шароит, ўқув юрти, ўқув моддий базаси, профессор-ўқитувчи ва талабанинг ўзига хос хусусиятлари; дарс ҳақида тезлик билан хулоса чиқаришга шошилмаслик; дарсда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида дарсини таҳлил қилинган профессор-ўқитувчининг фақат ўзига айтиш; йиғилишларда фақат аниқланган, уларни муваффақиятларини кенгроқ шарҳлаш, ҳар кўрсатилган камчиликларни тугатиш бўйича маслаҳат бериш; дарс таҳлилида раҳбар ҳужжатлар, кўрсатмаларнинг бажарилиши ҳақида алоҳида фикр билдириш.

Шу ерда педагогик технологияга қисман тўхталсак. Илғор педагогик технология тушунчаси регулятив (тартибга солиб турувчи) таъсир этиш кучига эга бўлиб, замон билан ҳамнафас ҳолда эркин ижод қилишга ундайди, буларга: самарадор ўқув-билиш фаолиятининг асосларини, яъни технологияларини топиш; уни экстенсив (куч, вақт, ресурс йўқотишга олиб келадиган самарасиз) асосдан кўра интенсив (жадал), мумкин қадар илмий ҳамда инновациялар асосида қуриш; талаб этилган натижаларни кафолатлайдиган фан ва тажриба ютуқларидан, яъни илғор педагогик ҳамда АКТлардан, таълимда инновациялардан самарали фойдаланиш; салоҳиятли, ижодкор, малакали кадрлар билан бир қаторда таълим жараёнини юқори даражада замонавий ахборотлаштириш ва шунга кўра зарурий ҳаракатларни алгоритмлаш; инновацион, яъни замонавий техника воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш методикасини ўзлаштириш; ўқитиш давомида тузатишлар эҳтимолини лойиҳалаш методига таянган ҳолда бартараф этиш ва таълим жараёнини модернизациялашдан иборатдир (қаранг: 1-расм).



**1-расм. Ўқитишда ўқув-тарбия, услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.**

Дарснинг мақсадига эришиш учун авваламбор профессор-ўқитувчи юқори билим савиясига эга бўлиши лозим, яъни бу кадрларнинг касбий компетентлиги масаласининг долзарблашиш сабабларига келиб тақалади, чунки ҳозирги ахборотлашган замонимизда жамиятимизнинг

ҳамма таълим жабҳаларида биринчидан, компютерлаштириш жараёни бормоқда, иккинчидан, бозор муносабатларининг ривожлантирилиши ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш цивилизациямизнинг юқори яшаш этапига ўтказишда белгиловчи ўрин эгаллайди, учинчидан, миллий таълим тизимимизни халқаро талаблар даражасига чиқариш профессор-ўқитувчиларнинг ҳар бири олдидаги четга суриб бўлмайдиган муаммолардан ҳисобланади. Шу йўсинда компетентлик деганда Инглизча "competence" тушунчаси луғавий жиҳатдан "қобилият" маъносини ифодалайди. Мазмунан эса "фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш"ни ёритишга хизмат қилади. Касбий компетентлик эса мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олишини талаб этади.

Касбий педагогикани ўз мазмунини бойитишда янгилашда мавжуд бўлган педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Касбий педагогиканинг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри қўлланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Лекин илмий тадқиқот методларининг аниқ чегараланган тизими ҳозиргача фанда яратилган эмас. Педагог педагогик жараёнда ўз аудиторияси тарбияланувчилари характер-хусусиятларидан келиб чиққан, уларни психологиясини чуқур ўрганиб бир қатор методларни қўллаш мумкин. Чунки педагогнинг асосий мақсади дарс жараёнини тарбиявий таъсирини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги педагогик илмий текшириш методларни келтириб ўтиш лозим бўлади: педагогик кузатиш методи; суҳбат усули (якка тартибда, гуруҳ билан); талабалар ижодини ўрганиш усули; тест усули; маълумотларни таҳлил қилиш усули; эксперимент-тажриба-синов усули; статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули; математика ва кибернетика усули.

Таълим усуллари танилаш билан бир қаторда ўқитувчи дарсдаги талабаларни ёш ва индивидуал характер хусусиятларини урганиши ҳамда таҳлил қилиши шарт.

Педагогик кузатиш - одатда табиий кузатиш орқали талаба-ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалалардаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадни кўзда тутиб идрок этиш ташкил этади. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш объекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган характеристика ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Суҳбат методи - сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмадан эркин муомала формасида қўлланилади.

Суҳбат методида - мактаб ўқитувчилари ва талаба-ўқувчилар жамоаси билан ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан, якка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Суҳбат методидан фарқ қилиб интервью олиш методи саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутаяди. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзиб олинади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва практикаси интервью ташкил

этишнинг кўп усуллари мавжуд: гуруҳлар билан; интенсив; синаш ва ҳ.к.

Педагогик сўраш методи - тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади. Сўраш саволларнинг мантиқий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни ("ҳа", "йўқ") ҳам тақозо этиши мумкин.

Тест синовлар методи - бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули - бунда талаба-ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, талаба-ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўзлаштириш даражасига, синфдан қолишнинг олдини олиш, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади.

Эксперимент, тажриба-синов усули - ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули - халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Математика ва кибернетика усуллари - ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустаҳкамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш дифференциал ва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисоботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлардир.

Бу каби методлардан фойдаланиб таълим ва тарбия ишларини олиб бориш фақатгина педагог учун эмас, иқтисодиёт жабҳаларида фаолият юритаётган бошқарувчи ходимлар, оилада фарзанд тарбияси билан шуғилланувчи ота-оналар учун ҳам, жамоа билан ишлайдиган маъсулиятли шахс учун ҳам зарурий шарт бўлган усуллардан биридир. Зеро, инсон тарбиясидек мураккаб жараёнга ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаслик зарур.

Педагогик фаолиятга қўйилган талаблар, педагогнинг асосий профессионал сифатлари келиб чиқади. Кадрлар тайёрлаш жараёнидаги касбий-малакавий ўзгаришлар. Касбий таълим узоқ давр мобайнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга йўналтирилди, бироқ ушбу чора битирувчиларнинг касбий маҳоратининг шаклланиш даражасини пасайиши ҳисобига амалга оширилди. Бу ҳолат касбий маҳорат ва лаёқатни ошириш, инсоннинг бутун умри давомида ўз билимини такомиллаштириб бориши ҳамда ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжини оширишга хизмат қилмас эди. Республика халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида касбий таълимни самарали ташкил этиш, ишчи касбларига

махсус тайёрлаш, таълим олувчи шахсида касбий маҳорат ва лаёқат сифатларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Касбий маҳорат дейилганда битирувчининг юқори даражада касбий кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги тушунилади, у шахснинг меҳнат бозорида эгаллаётган касби бўйича рақобатбардошлик даражаси акс эттиришида намоён бўлади. Касбий маҳорат ишчи кучларининг юқори даражадаги мослашувчанлиги, янгиликларни тез ўзлаштириши, янги ишлаб чиқариш шароитларига оз вақт ичида ўта олиши ва фаолият соҳасини мустақил танлай олиши каби сифатлар билан белгиланади. Касбий маҳорат ва лаёқат шахснинг шундай сифатларидирки, улар бўлажак мутахассиснинг ҳаётини ҳамда меҳнат мувафақиятларини белгилаб беради. Мустақил Ўзбекистон Республикасида таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида касбий педагогика фанининг асосий вазифаси жаҳон талаблари даражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослаша оладиган, иқтисодий-иҷтимоий буюк давлат даражасига кўтарилган мутахассисларни тайёрлаш, ушбу жараёнда асосий омил сифатида бериладиган ахборотлар ҳажмини эътироф этиш эмас, балки уларга нисбатан ижодий ёндашувни шакллантириш ва мустақил фикрлаш каби сифатларини тарбиялашдан иборатдир. Шу сабабли бугунги кунда барча фан соҳалари, жумладан, касб таълими бўйича янги ўқув дарсликлари, қўлланма ва тавсияларни яратиш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу ўринда касб таълимига бўлган эътиборнинг ортиб бораётганлигини қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин: таълим ислохотлари натижасида академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа турдаги ўқув муассасаларининг шакллантирилиши ва ривожланиши; олий ўқув юртиларида касб таълимини ўқитилишнинг йўлга қўйилаётганлиги, бу борада алоҳида факультет ва бўлимларнинг ташкил этилиши; касбий таълимнинг бошқа фанлар билан янада жипсроқ боғланиб бориши, истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган билим соҳалари туташувида янги концепция ва назарияларнинг юзага келиши; касбий таълим муассасаларининг аҳолига таълим хизматларини кўрсатиш борасидаги фаолият турларининг ортиб бориши, ўз базасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши; меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шакллари жорий этилиши ва бошқалар.

Шундай қилиб, уларнинг касбий таълим бўйича талабаларнинг билими, тарбияси, ўқиши ҳамда ривожланиши қонуниятларини ўрганади, таълим-тарбия, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш мезонларини ишлаб чиқади, касб таълими муассасалари турларини ва уларни бошқариш тизимини асослайди. У педагогик назариялар тўғрисидаги билимларни, инновацион технологияларни лойиҳалаш услубларини умумлаштиради. Касбий таълим шахсни касбий фаолиятга тайёрлаш, ёш авлодни касбий тарбиялаш, малакали ишчи кучининг янги талаблар даражасида фаолият юритишини таминлашни кўзда тутди. Бўлғуси муҳандис-педагоглар бугунги давр талабларига жавоб бериш учун ўз билим ва малакасини тинимсиз ошириб бориши, замонавий тажрибаларни кунт билан ўрганиши, изланиши лозим. Бу нафақат бугунги кун кишилари, балки келажак авлод олдида ҳам жуда катта масъулиятни бўйнига олиш демакдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Таълим тўғрисида Қонун. // "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори тўпламида". - Тошкент: 1998-йил.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори тўпламида". - Тошкент: 1998-йил.
3. Ш.М.Мирзиёев. "2017 - 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" / - Тошкент: 2017 йил 7 феврал.
4. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд-ахлоқ. - Тошкент: "Ўқитувчи". 1992.
5. К.З.Зарипов Профессор-ўқитувчилар малакасини оширишда мактаб раҳбарларининг роли. - Тошкент: "Профессор-ўқитувчи", 1993-йил.
6. Г. К. Зарипова Янги педагогик технологиялар. //- Бухоро: "БДУ", 2008-йил.